

---

2024 йилги “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2-мавсумида Ўзбекистон туманида умумий қиймати қарийб 14 млрд сўм бўлган 10 та ташаббус ғолиб бўлди

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2024 йил 2-мавсуми овоз бериш яқунларига кўра Ўзбекистон туманидаги яна ўн та таклиф асосида мавжуд муаммолар ижобий ҳал этилади. Жорий йилнинг 22-31 август кунлари давом этган жараёнда туманимизда жамоатчилик томонидан илгари сурилган таклифларнинг **138 таси** овоз бериш босқичига ўтказилган бўлиб, ушбу таклифларга жами **53 минг 700 тадан зиёд** овозлар тўпланди.

Лойиҳа натижаларига кўра туманда амалга ошириш қиймати **13 млрд 600 млн сўмлик 10 та энг кўп овоз** тўплаган таклифлар ғолиб деб топилди.

Хусусан, Яйпандаги **Ихтисослаштирилган мактаб-интернати**, Ражабгарди маҳалласидаги **12-мактаб**, Тинчлик маҳалласидаги **29-мактаб**, Қўрғонча маҳалласидаги **68-мактаб**, Шодлик маҳалласидаги **75-оилавий поликлиника**, Қайнарбулоқдаги **72-оилавий поликлиника** ва Қоратепадаги **71-оилавий поликлиникалар** инфратузилмасини яхшилаш, “Сулаймон” маҳалласида **замонавий янги спорт комплекси бунёд этиш**, “Яккатут” маҳалласида **ички йўлларни таъмирлаш ҳамда “Қумбости” маҳалласида ичимлик суви таъминотини яхшилаш** билан боғлиқ [тадбирлар](#) овоз бериш йўли билан ғолиб дея топилиб, мазкур таклифлар молиявий қўллаб-қувватланадиган бўлди.

2024-09-04 12:29:13